

## ЎРТА ОСИЁДА БОЖХОНА ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.

*Гулистон давлат педагогика институти талабаси*

**Адиба Шарипова**

Яқин ва узоқ ўтмиш тарихи- бугунги кун ва келажак учун ибрат дарслигидир. Зеро Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун, хатоларни такрорламаслик ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, қадимдан савдо алоқалари маркази бўлиб келган ватанимиз ҳудудида божхона ишининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда тараққиёти бугунги жаҳон бозорига дадил кириб бораётган Ўзбекистон Республикаси тарихининг таркибий қисми сифатида ката қизиқиш уйғотади.

Ватанимиз ҳудудида 2700 йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилиги тарихида ташқи савдо алоқалари, шу билан боғлиқ божхона иши қадим замонлардан шаклланиб келган. Мустақил давлатчилик ҳукм сурган даврда ташқи савдо алоқалари ва божхона иши такомиллашган, урушлар ва истилочилик даврида пароканда бўлган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги даврида Ўзбекистон божхона тизими мустаҳкам ҳуқуқий негизга, божхона назоратининг замонавий техник воситалари ва технологияларига, билимли ва фидойи кадрларига, ўз ўқув базасига эга бўлди. Аммо, қандай оғир даврлар бошдан кечирилганлиги ва қандай қийинчиликлар енгиб ўтилганлиги фақат тарих сатрларини варақлагандагина чуқур англаб етиш мумкин. Жаҳон тарихида халқларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган Лаъл, Туз, Шоҳ, Олтин, Нефрит ва бошқа бир неча савдо йўллари мавжуд бўлган. Улар ичида энг машҳури-Буюк Ипак йўли ҳисобланади. Дастлаб Хитой ҳудудидан бошланиб, Ғарбга томон 12 минг километрга чўзилган Шарқ билан Ғарбни туташтирган бу савдо йўли улуғ аجدодларимиз саъй-ҳаракатлари билан умумбашарият тараққиётида ёрқин из қолдирган, хусусан бу йўлнинг Ватанимиз сарҳадларидан ўтганлиги унинг тарихида, иқтисодий-маданий юксалишида ҳамда хорижий халқлар билан изчил ва ҳамжиҳатликда бўлишида катта ижобий ўрин эгаллайди.

Буюк Ипак йўли Хитойнинг Сиан шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Эрон, Месопотамия орқали Европага қадар чўзилган бўлиб, у орқали кўплаб товар ва буюмлар, жумладан, чини, ойна, шиша, нефрит, гилам, металл, никель, қурол-яроғ, порох, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек машҳур хитой қоғози ипак газламалар ташилган. Бу йўлда карвонларни хавф-хатардан қўриқлаш, карвон саройгача кузатиб келиш, давлат хазинасига бож ундириш ишлари дастлаб ҳарбийлар томонидан амалга оширилиб, божхона хизматининг шаклланиши ва ривожланишида ката аҳамиятга эга бўлган.

Тарихий манбаларда мамлакатимиз ҳудудида 5-8 асрларда фаолият юритган божхона масканлари тўғрисида маълумотлар бор. Жумладан, Бойсун тоғининг тор дараларидан бирида ёғочдан ясалиб, темир ускуналар билан мустаҳкамланган махсус

дарвоза ўрнатилган бўлиб, унинг икки томони тоғ қояларига туташ бўлган. Йўловчилар бу ердан ўтаётганда дарвозанинг очилиб-ёпилиши пайтида кўнғироқлар жаранглаб овоз чиқарган ва соқчилар ва божбонлар бундан хабардор бўлишган. Ушбу дарвоза “Темир-қапиг”, яъни “Темир дарвоза” деб номланган.

Бугунги кунда ўзбек тилидаги «бож», «божхона», «бож ундириш» каби бож тизими билан боғлиқ атама ва ибораларнинг кўпчилиги «бож» сўзига алоқадор равишда шаклланган. Аслида келиб чиқиши қадимги Сўғдий «баж» бўлган ушбу сўз миллодий VIII асрнинг 20-йилларига тааллуқли Муғ тоғи сўғдий Мисол учун Сўғд ҳукмдори Деваштич (709-722 йиллар) саройида божкиромлик (бож олувчиси, солиқ йиғувчиси) мансаби бўлган. Қадимги Туркистон даврига оид турли тиллардаги ёзма манбаларда “муҳр”, “рамзий белги”, “нишон” маъносидаги қадимги туркий «тамға» сўзи учрайди. Славян тилларида, шу жумладан, рус тилида, “божхона” маъносида қўлланиладиган “таможня” сўзи ҳам худди шу сўз асосида шаклланганлиги тўғрисида турли фикрлар бор.

Божхона иши айниқса XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида янада ривожланди.

1370 йилда тахтга чиқиб, мустақил давлатчилиқни тиклаган Амир Темур мамлакатни обод қилиб, халқаро савдо алоқалари ва божхона ишининг ривожига алоҳида эътибор қаратди. Буюк Ипак йўли бўйлаб мунтазам савдо алоқаларини ўрнатиш, давлатлараро дипломатик муносабатларни ривожлантириш, шу орқали Хитой ва Ҳиндистонгача қарвон йўллари тиклаш Амир Темурнинг давлатчилиқ сиёсатидаги асосий мақсади бўлган.

Шу мақсадда Амир Темур ўз салтанатининг чегараларида қарвонсаройлар қурдириб, салтанат ҳудудига кириб келаётган қарвонлар учун шарт-шароитлар яратди, қарвонларнинг салтанат ҳудудидан ўтишида хавфсизлигини таъминлади. Ушбу қарвонсаройлар ўз навбатида божхона вазифасини ҳам бажарган. Бож ундирилган юкларга муҳр босиш тартиби жорий қилинган. Бу даврда Ҳиндистон, Эрон ва бошқа жанубий йўналишдаги мамлакатларга йўл олган савдо қарвонлари учун Амударё бўйида Термиз шаҳри ва Ҳисор тизмасидаги Темир дарвоза асосий божхона маскани бўлган.

Испания қиролининг Амир Темур салтанатидаги элчиси (1403-1406 йиллар) Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг ёзиб қолдирган «Кундалиги» да Амир Темурнинг божхона иши соҳасидаги ислоҳатларига юқори баҳо берган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг минтақада олиб борган ҳарбий тажавузлари натижасида аввал Қўқон хонлиги, кейин эса Бухоро ва Хива хонлиқларининг ката қисми босиб олиниб, мустамлака ҳарбий бошқарувига асосланган Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди.

Минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империясининг стратегик мақсадларидан бири-истеъмол бозорларини эгаллаш, ва ўз саноат маҳсулотларини реализация қилиш учун кенг имкониятларга эга бўлиш, бу ердаги улкан иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш, ўлкани хомашё манбаига айланттириш эди.

Туркистон божхона округида дастлабки божхона пости 1895 йилда Афғонистон билан чегарада Термиз шаҳрида ташкил этилган бўлиб, у «Паттакесар» божхона пости деб номланган.

1896 йилда эса Туркистон божхона округи ҳудудида Амударё чегара бригадаси ташкил этилиб, 4 бўлимга бўлиниб, 51 та постга жойлаштирилади.

1887 йилда Россия империяси ҳарбий мақсадларда Амударё флотилиясини ташкил қилди. Шу тариқа Ўрта Осиё ҳудудида божхона ишлари тўлиқ империя назоратига ўтди.

1912 йилда империя божхона муассасаларининг қайта ташкил қилиниши натижасида божхона Туркистон божхона округи Туркистон инспектор божхона инспектор учаскасига айлантирилди ва 1917 йигача фаолият кўрсатди.

1922 йил декабрида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил этилиши тўғрисидаги» Битим имзоланиши, ташқи савдода давлат монополиясининг ўрнатилиши божхона сиёсатида ҳам сезиларли ислохотларга олиб келди. Шу жумладан, божхона тариф бошқаруви соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш даврида бож ишларини бошқаришнинг кўп босқичли тизими вужудга келди.

1920 йилда совет ҳокимияти томонидан Бухоро ва Хива хонликларининг ағдарилиши муносабати билан ташкил этилган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) ҳудудида ҳокимият тепасига ёш бухороликлар ва ёш хеваликлар келди. Ушбу республикаларда ўз таъсири ва назоратини таъминлаш мақсадида большевиклар уларнинг ички ишларига кўпол равишда аралашиб, ички ва ташқи сиёсат олиб борилишига имкон қадар тўсқинлик қилдилар. Бу сиёсат, айниқса, ташқи алоқалар ва савдо муносабатларида, шу жумладан, божхона ишида ҳам яққол намоён бўлди.

1921 йил 4 мартда БХСР билан РСФСР ўртасида Иттифоқ шартномаси ҳамда иқтисодий битим имзоланди. Кейинчалик ушбу битим асосида ҳар икки давлатнинг вакилларида махсус комиссия тузилиб, ягона божхона ҳудуди масалалари муҳокама қилинди. 1921 йил 8 сентябрда Тошкентда бўлган мажлисда БХСРни РСФСРнинг ягона божхона макони ҳудудига киритиш тўғрисидаги фикрга БХСР вакиллари кескин қарши чиқади.

Аммо, орадан бир йил ўтгач, 1922 йил 9 августда РСФСР билан БХСР ўртасида Москвада 8 моддадан иборат иқтисодий битим тузилади. Битимнинг 2-моддасига кўра, РСФСР ва БХСР ҳудуди ягона божхона маконини ташкил қилади ҳамда ҳар икки республика ўртасидаги ички божхона чегаралари ва товарлардан олинадиган турли бож тўлов ва йиғимлари бекор қилинади. Бухоронинг Афғонистон чегарасидаги барча божхона устидан назорат РСФСР ихтиёрига ўтди.

1920 йил Туркистонда 30та божхона пунктлари бўлган. Булар Красноводск, Челекен, Чиқишлар, Ҳасан кўли, Четлин, Қорақалпоқ, Кайна-Касир, Ашхобод, Гаудан, Ортик, Хиваобод, Хўжа Булоқ, Серахс, Душак, Чаачин, Кушка, Панда, Керки, Бассагин, Келиф, Чўчка Ғузур, Паттакесар, Ойвож, Сарой, Чубек, Бўғороқ, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Эргаштом, Қашғар божхона пунктлари эди.

1922 йилнинг мартада Ташқи савдо халқ комиссарлиги Божхона бошқармасининг фармойишига кўра, Туркистонда ташқи савдо комиссарлиги Ўрта Осиё вакилликдан Божхона назорати ажралиб чиқади. Бош божхона бошқармасига қарашли Туркистон божхона округи ташкил этилади. Мазкур округ таркибига Туркистон билан Эрон, Афғонистон ва Хитой чегараларида жойлашган божхоналар кирган. Округ бошқармаси Тошкентда жойлашган, жойлардаги божхоналарга бевосита йўриқномалар бериш учун Полторацк ва Олмаотада участка инспекторлари тайинланган.

1925 йилда СССР таркибига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил бўлиши муносабати билан Туркистон божхона округи негизида Ўзбек божхона инспекторлик участкаси ташкил этилади. Паттакесар божхона пости эса «Термиз божхонаси» деб қайта номланади.

Ўтган асрнинг 50-йилларида СССР нинг жанубий ва жанубий-шарқий йўналишларида халқаро ҳаво йўлларида юк ва йўловчи ташиш ҳажмларининг ортиб бориши натижасида Тошкент аэропорти орқали бир қатор транзит ҳаво йўллари очилади. Тошкент шаҳар аэропортида чет элдан транзит ҳолда учиб келаётган ёки учиб кетаётган самолётлар кўниб ўтадиган бўлди. Тошкент аэропорти орқали халқаро рейслар 1956 йилдан, яъни Австралияда Олимпиада ўйинлари ўтказилган йилдан бошлаб амалга оширилди. Бош божхона топшириғига кўра Термиз божхонаси ходимлари Тошкентга келиб, Австралияга жўнаб кетаётган спортчилари ва уларга ҳамроҳлик қилаётганлар учадиган ТУ-104 самолётининг божхона назоратини амалга оширган. Тошкент аэропортида халқаро авиаалоқалар сони ортганлиги туфайли, 1958 йилда аэропортда Термиз божхонаси таркибига кирувчи Тошкент божхона пости ташкил этилган.

1959 йил 14 апрелда СССР Ташқи савдо вазирлигининг буюруғига кўра, Тошкент аэропортида алоҳида божхона пости ташкил қилинган.

1984 йилда Афғонистонга юборилаётган ҳарбий юклар назоратини кучайтириш мақсадида «Тузель», «Фарғона» божхона постлари ташкил этилди. 1988 йилда Тошкент ва Термиз божхоналари ҳамда уларга бўйсунувчи барча божхона постлари Ўзбекистон ССР божхонасига бирлаштирилди. 1988-1989 йилларда Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Қарши, Гулистон, Жиззах, Қўқон, Навоий, Урганч, Чирчиқ, Олмалиқ божхона постлари очилди ва улар ҳам Ўзбекистон ССР божхонасига бўйсундирилди.

Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР божхонаси бўлишига қарамадан, Ўзбекистон ҳудудидаги божхона иши бевосита 1986 йилда ташкил этилган СССР Давлат Божхона назорати бош бошқармаси томонидан бошқарилар ва божхона постларининг раҳбар ходимлари ҳам ушбу Бош бошқарманинг буюруғи асосида тайинланар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок Республика раҳбарияти томонидан чегараларни мустаҳкамлаш ва божхона ишини йўлга қўйишга ката эътибор қаратилди. 1991 йил сентябрь ойида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича

«Инспекция» ташкил этилади. Сабаби, эндигина мустакил бўлган давлат ҳудудий чегараларининг очиклиги ва назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб, кўплаб зарур истеъмол товарлари катта миқдорда қўшни давлатларга олиб чиқиб кетила буюшланганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 октябрдаги ПФ-284-сон фармони билан Божхона қўмитаси ташкил этилди ва унинг штатлар бирлиги 415 нафар этиб белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика божхона хизматини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари ҳақида»ги 272-сон қарорига мувофиқ Божхона қўмитасининг тузилмаси, божхона бошқармалари ва божхона постлари тасдиқланди.

Божхона органларининг нуфузи ва маъсулиятини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августдаги ПФ-451-сон фармони асосида Божхона қўмитаси билан Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича Инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида божхона бошқармалари ташкил этилди.

Айнан янги ташкил этилган Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси божхона ходимлари томонидан 1992 йилда дунё миқёсида ҳеч бир мамлакат тарихида қайд этилмаган миқдорда, 13 тонна 55кг 450 гнаркотик моддаларини ушлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 октябрдаги 152-ф-сон фармойишига асосан 1994 йил 1 январдан бошлаб республикага олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган барча турдаги товар ва транспорт воситалари мажбурий декларацияланиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги ПФ-744-сон фармони билан Давлат божхона қўмитаси Бош божхона бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар божхона бошқармалари эса божхона хизматларига айлантирилди ва давлат солиқ қўмитаси таркибига киритилди.

1994 йил сентябрь ойидан ДСҚ Бош божхона бошқармаси Ўқув марказида божхона органларига қабул қилинган ходимлар учун 1 ойлик бошланғич тайёргарлик курслари ўз фаолиятини бошлади.

1995 йил апрель ойида божхона органлари томонидан биринчи «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо божхона статистикаси» бюллетени чоп қилинди.

1996 йил 24 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий кинология хизматини ташкил этиш тўғрисида»ги 364-сонли қарори асосида Давлат солиқ қўмисасининг Бош божхона бошқармаси тизимида минтақадаги ягона Миллий кинология марказида мутахассис-кинологларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича, шунингдек хизмат итларини, уларнинг наслини танлаш, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун наслдор итларни етиштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-1815-сон фармони билан Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг негизида Давлат божхона қўмитаси қайта ташкил этилди. Мазкур фармон асосида божхона хизматига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи мақоми берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 374-сон қарорига биноан, «Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом», божхона ходимларининг махсус хизмат формаси тасдиқланди, божхона органларининг асосий вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9 сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги қонунлари қабул қилинди. 1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10 сессиясида Ўзбекистон Республикасининг биринчи «Божхона кодекси» қабул қилинди.

2016 йил 20 январда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Божхона кодекси» қабул қилинди.

2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5414-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3665-сон қарори қабул қилинди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шафофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш вазифаларини юқори савияга олиб чиқиш белгиланди. Божхона ишини янада такомиллаштиришнинг янги босқичи бошланди.

2018 йил 2 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори-зарур билим ва касбий маҳоратни оширишни таъминловчи божхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳа бўйича илмий тадқиқот-масалаларини комплекс тарзда янгича мазмун ва шаклда ташкил этишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди.